

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

**492 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2847-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 7 июнь,  
ПҚ–3043-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 7 июндаги  
ПҚ–3043-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ–718-сонли қарори:

а) номланишидаги, 3- ва 4-бандлардаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «молия вазирлиги» сўзи «Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбарига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бажарилган ишларнинг назорат ўлчовларини олиб боришни тизимли асосда амалга ошириш»;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

г) 2-илова матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш  
жамғармаси Кенгаши  
ТАРКИБИ**

З.Т. Мирзаев	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Кенгаш раиси
Б.А. Ходжаев	— Молия вазири, Кенгаш раиси ўринбосари
Ж.А. Қўчқоров	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари
Г.К. Саидова	— Иқтисодиёт вазири
А.Х. Абдуллаев	— «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси
Б.Т. Қўчқоров	— Давлат экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
И.Б. Тўрамуратов	— Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси
Ш.Ш. Абдуразаков	— Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири
А.А. Юлдашев	— Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
М.М. Мирзаев	— Молия вазирининг ўринбосари
Ш.Р. Хамраев	— Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари
Ш.Р. Хашимов	— «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
А.А. Усманов	— Адлия вазирининг ўринбосари
В.Е. Чуб	— «Ўзгидромет» марказининг бош директори
М.Ф. Нажимов	— «Ўзсувлойиха» АЖнинг ижро этувчи директори
Б.К. Рўзибоев	— «UZGIP» МЧЖ директори
И.Э. Махмудов	— Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори вазифасини бажарувчи
Лавозимига кўра	— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти директори, Кенгаш котиби.

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Кенгаш таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки мазкур вазифаларни бажарилиши юклатилган шахслар киритилади.»;

д) 3-иловада:

номланишидаги ва 1-банддаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда мониторингни амалга ошириш»;

8-банднинг:

йигирманчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича мунтазам равишда назорат ўлчовларини амалга оширади»;

йигирма биринчи хатбошидан «текширишларда» сўзи чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бажарилган мелиоратив ишлар ва бошқа ҳолатларни назорат тартибидан ўлчашда вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш»;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Департаментга Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбарининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳамда моддий таъминоти, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштириладиган директор бошчилик қилади»;

16-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича назорат тартибидаги ўлчашларни ўтказиш асосида қарор қабул қилади, уларнинг натижаларини кўриб чиқади, улар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилади ва зарур чоралар кўради».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–1958-сонли қарорининг:

а) 1-банди учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 30 нафардан иборат бўлган янгиланган тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унинг таркибида мелиорация ишларининг сифати устидан жойларда техник назорат ўрнатиш, уларнинг белгиланган нормативлар ва лойиҳа параметрларига мувофиқлиги, шунингдек, бажарилган ишларнинг ҳажмларини назорат тартибидан ўлчашни таъминлайдиган мелиорация ишларини техник кузатиб бориш минтақавий гуруҳларини ташкил этиш назарда тутилсин.

в) 8-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши (З.Т. Мирзаев) қуйидагиларни таъминласин»;

г) 2-илованинг номланишида ва изоҳнинг 2-бандидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

д) 6-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

## «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти ТУЗИЛМАСИ

